

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5.2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Йўлдашев	
Темурбек Казбеков – Германияда ўқиган андижонлик талаба.....	91
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
Ф.Орипжонова	
А.Ахматованинг ижодини ўрганишда метафорик ёндошув	95
З.Қобилова, Э. Қобилова	
Татабуда шакл ва мазмун	98
З.Ж.Пардаева	
Чингиз Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” романи метафорикасида бадий тафаккур фалсафаси талқини.....	101
В.Аҳмедова	
Тарихий драмада Амир Темур образи	105
А.К.Абдурахмонов	
Адабиётда турна тимсолининг тасвирига доир.....	109
Г.Муҳаммаджонова	
Ўзбек ва жаҳон адабиётида мусаввир образи	112
О.Солиева	
Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (I қисм)	117
ТИЛШУНОСЛИК	
Н.Муродова	
Инглиз, рус ва ўзбек тилларида энантиосемияни ўрганишнинг тарихий асослари	122
Н.Чиниқулов	
Оммавий коммуникацияда ахборот матнлари	127
М.Мамажонов	
Антропонимлар дискурс релевант сифатида.....	130
Н.Т.Махмудова	
Айрим телекоммуникация терминларида ўз ва ўзлашган қатлам муносабати.....	133
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
Р.Х.Максудов	
Эллинг ардоқли шоири	137
А.Сабирдинов, Н.Мамадалиев	
Асқар Қосимов шеърий маҳоратининг баъзи жиҳатлари тўғрисида	139
А.Турдиев	
Замонавий ўзбек адабиётида фольклоризм	141
Б.Қурбонова, З.Каримова	
Ўзбек ва қыргиз фразеологизмларининг семантик таҳлили.....	145
С.Усмонова	
Ўзбек ва инглиз маърифатпарварлик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий асослари	148
Ж.М.Отажанов	
Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг шартлари.....	152
О.Хасанова	
Янги сўзларни ўқувчиларга ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш усуллари	156
Д.Қамбарова	
Мавзуни тақдим қилиш, талабаларга билим бериш ва назорат усуллари	160
ҚОНУН ВА ИЖРО	
А.Ўринов	
“Фанлар подшоҳи” – Республика Президенти нигоҳида	163

УДК: 42/48+741+543.41

ҮҚҰВЧИЛАРГА ЯНГИ СҮЗЛАРНИ ЎРГАТИШДА МНЕМОТЕХНИКАДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

СПОСОБЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МНЕМОТЕХНИКИ В ОБУЧЕНИИ УЧЕНИКОВ НОВЫМ СЛОВАМ

WAYS OF USING MNEMONICS IN TEACHING NEW VOCABULARY TO PUPILS

О.Хасанова

Аннотация

Мақолада янги сүзларни ўргатишида мнемотехникадан фойдаланиш усуллари таҳлил этилган. Қизиқарлы ёзув шакллари, графемалар ва расмлар ёрдамида янги сүзларни ўргатиши ўйлари көлтирилган.

Annotation

In the article were analyzed ways using mnemonics in teaching new vocabulary. Ways of teaching new vocabulary through interesting types of scripts, graphemes and pictures are given.

Annotation

In the article were analyzed ways using mnemonics in teaching new vocabulary. Ways of teaching new vocabulary through interesting types of scripts, graphemes and pictures are given.

Таянч сүз ва иборалар: янги сүзлар, графема, расм, ёзув шакллари, мнемотехника, самара, тил ўргануучи, визуалластириши.

Ключевые слова и выражения: новые слова, графема, рисунок, типы шрифта, мнемотехника, эффект, изучающий язык, визуализация.

Keywords and expressions: new vocabulary, grapheme, painting, mnemonics, effect, language learner, visualize.

Янги сүзларни ёд олиш тил ўрганишнинг асосларидан бири ҳисобланади. Чет тилини ўрганишнинг энг қулай усули – бу, – ўша тилда гаплашаётгандар билан яқин мuloқot ўрнатишдир. [1.23] Бундай мuloқot имкониятини ҳар доим ҳам топиш қийин. Зоро, янги сүзларни мнемотехника ёрдамида ҳам қизиқарлы, ҳам самарали ўргатиш ва ўрганиш мумкин. Маълумотларни хотирада узоқ сақлаш учун уларни одатдагидек оддий усуллар билан ўрганиш биз истаган ижобий натижани бермайди. Демак, бу амалий жараёнга бироз креатив ёндашиш зарурати бор. Масалан, сүзларни қизиқарлы шаклда ёзиш чет тилини ўрганиш жараёнини осонлаштириб, тил

ўрганувчиларга мотивация бериши мумкин. Бундай креатив сүзлар ўқитувчи томонидан ҳам, тил ўрганувчи томонидан ҳам тайёрланиши зарур. Лекин бундай сүзлар ҳозирда асосан ўқитувчи томонидан тайёрланади. Мазкур вазифани бажаришни тил ўрганувчиларга топшириш бу жараённи фаоллаштиришга олиб келади. Ўрганилиши режалаштирилган сүзларни рангли, жуда катта ёки жуда кичик шаклда ёзиш мумкин. Қуйида немис тилини чет тили сифатида ўргатувчи Сарвари Тунде немис тилидаги “соя” ва “ит” сүзлари учун қандай ёзувларни қўллаганини кўриш мумкин. [3.3]



Расм № 1.

Шунга ўхшаш ёзувлардан фойдаланган ҳолда йил фаслларини ифодаловчи ёз ва қиши сүзлари учун тил ўрганувчилар томонидан тайёрланган сүзлар қуйидагича бўлиши мумкин:



Расм № 2

Сўздаги биргина белгиси бу сўзни ёз ва белгиси эса қиш фаслини билдиришини кўрсата олади. Тил ўрганувчи уни осонгина эслаб қолади.


Куйида эса ҳам расм, ҳам ҳарфдан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиш мумкин:



+ y =

Расм № 3

Ушбу расмга қараб, «қўл» сўзи ёрдамида қандай қилиб «қўл» телефони сўзи ясалганини кўриш мумкин, яъни **Hand (қўл) +y= Handy (қўл телефони)**. Агар расмларни тайёрлашда тил ўрганувчиларга чеклаш қўйилмаса, уларнинг ўнг мия фаолиятлари ҳам ишга тушади ва маълумотларни қабул қилиш жараёни самараси сезиларли даражада ошиб, тафаккури ўзгариб боради. Бу расмни тил ўрганувчи оддийгина қилиб қўйидагича тасвирлаши ҳам мумкин.



Расм № 4


Худди шунга ўхшаш креатив ёндашув рус педагоги И.А.Сорокинанинг дарсларида ҳам кузатилади. Унинг рус тилидаги сўз билан немис тилидаги сўзни боғлаб тайёрлаган тасвирлари диққатга сазовор. Масалан, унинг изланишларида **Brille/кўзойнак** сўзи учун қўйидагича расм келтирилади: [4.]



Расм № 5

Расмдан кўриниб турибдики, кўзойнаклар бриллиантдан ясалган ва беихтиёр **Brille** сўзини эсга солади. Бу расмга оид қизиқ бир ҳикоя ҳам ўйлаб топиб ўрганиш самарасини янада оширади. И.А.Сорокина шундай гапларни мисол қилиб келтиради. "...сизга жуда ҳам ажойиб совға қилишди. Кўзойнак, оддий эмас, ҳатто олтин ҳам эмас, бриллиант. Кўзойнак ойналарининг ўрнига 2 та каттакон бриллиант қўйилган."

Бундай расмлардан яна бир нечтасини мисол қилиб келтириш мумкин. Масалан:



Расм № 6


Das Buch (бух) – китоб сўзи. Рус болалар „бух“ сўзини жуда яхши кўришади. „Бух!!! китоб йиқилди!“ гапи ёрдамида бу сўзни эслаб қолиш жуда осон кечади. Бу гап бироз ахмоқона эшитилиши мумкин. Аммо бу муҳим эмас. Гаплар қанчалик фантастик бўлса, натижаси ҳам шунча яхши бўлади. Расмларни иложи борича рангли қилиш ҳам фойдаладан ҳоли эмас.



Расм № 7

Бу расмда кўриниб турганидек, рус тилидаги **кран** сўзи немис тилидаги **krank** сўзи билан ажойиб тарзда боғланган. Унинг учун тайёрланган ҳикояча эса қуйидагича: сиз қураётган уй учун ишлаётган кран касал. У тузалиб ишни давом эттириши учун дори беряпсиз. Бу ҳолатни тасаввур қилиш ёрдамида **krank** сўзи шу заҳотиёқ хотирада узоқ муддатга сақланиб қолади.

Ҳ.Шпербер ҳам сўзларнинг ёдда яхши сақланиши учун турли усусларни қўллайди [2.140]. Улардан бири графемали тасвиirlар бўлиб, айнан Сарвари Тунденинг қарашлари билан ўхшаш.

krank

Расм № 8

Бу графемали тасвиirlарга қараб, немис тилини билмаган инсон ҳам бу сўзларни тушуниши ва бир умр эсидан чиқармаслиги аниқ, дейиш мумкин.

Ҳар бир чет тили ўқитувчиси креатив ғояларга эга бўлиши лозим. Қуйидаги тасвир ҳам немис тили ўқитувчилари кенгашида тақдим этилган: [5.]



Расм № 9

Бу тасвиirdan конкрет сўзларни визуаллаштириш жараёнида фойдаланиш мумкин. Ҳар бир сўз тасвиirlanaётган сўзнинг маъносига мос ранг билан ёзилиши ҳам катта аҳамият касб этади. Айнан ушбу тасвиirdan кўриш мумкинки, Gras/майса яшил рангда, Wolke/булут қора рангда, Sonne/қуёш оловранг ёрдамида ёзилган.

Қуйидаги тасвир ва ёзув ҳам жуда қизиқарли қилиб тайёрланган:



Расм № 8

Юқорида таҳлил, тавсия қилинган усуулар албатта ўз самарасини беришини таъкидламоқчимиз. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, янги сўзларни ёд олишда ёки уларни тил ўрганувчиларга ўқитувчидан креатив бўлиш талаб этилади. Ҳар бир мавзуга доир мнемоник материалларни тайёрлаш ва улардан тўғри фойдаланиш, тил ўрганувчиларнинг қизиқишини оширади ва тил билиш даражасини оширишга амалий хизмат қиласди.

Адабиётлар:

1. Rahmonov Sh., Sattiboyev I. So`z yodlash sirlari. Istiqlol nuri. -T.: 2015.
2. H. Sperber. Mnemotechniken im Fremdsprachener werb – mit Schwerpunkt „Deutsch als Fremdsprache“. München: Iudicium Verlag. 1989.
3. S. Tünde. Mit Lerntechniken zum erfolgreichen Deutschlernen.
4. https://infourok.ru/konspekt_mnemotekhnika_v_izuchenii_nemeckogo_yazyka-581707.htm
5. [https://www.google.com/search?q=mnemotechniken_deutschlehrertagbcn1&aqs=chrome..69i57.1789j0j7&sourceid=chrome&ie=UTF-8](https://www.google.com/search?q=mnemotechniken_deutschlehrertagbcn1&rlz=1C1GGRV_enUZ783UZ783&oq=mnemotechniken_deutschlehrertagbcn1&aqs=chrome..69i57.1789j0j7&sourceid=chrome&ie=UTF-8)

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор).